



**ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ПУЛ ОҚИМЛАРИ
ТҮФРИСИДАГИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТУЗИШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a32

**Акрамов Абдулла Баҳодир ўғли -
Тошкент молия институти
таянч докторанти (PhD)**

Аннотация. Мазқур мақолада халқаро стандартлар асосида пул оқимлари түфрисидаги молиявий ҳисобот тузиш усулларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Ҳусусан, пул оқимларини бошқарши муаммоларига бағишиланган адабиётлар шарҳи амалга оширилган, халқаро стандартларнинг талаблари баён этилган. Аниқ хўжалик юритувчи субъект мисолида тузилган пул оқимлари түфрисидаги уч ииллик даврдаги ҳисобот таҳлил қилиниб, уни бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига трансформация қилиши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калилли сўзлар: пул маблағлари, пул эквивалентлари, операцион фаолият, инвестиция фаолияти, молиявий фаолият, бевосита усул, билвосита усул.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ СОСТАВЛЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ О
ДЕНЕЖНЫХ ПОТОКАХ ПО МЕЖДУНАРОДНЫМ СТАНДАРТАМ**

**Акрамов Абдулла Баҳодир ўғли -
аспирант (PhD) Ташкентского
финансового института**

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования методов составления финансовой отчетности о денежных потоках на основе международных стандартов. В частности, осуществлен литературный обзор по проблемам управления денежными потоками, описаны требования международных стандартов. Проанализирован трехлетний отчет о денежных потоках, составленный на примере конкретного хозяйствующего субъекта, и выработаны предложения и рекомендации по его трансформации в международные стандарты бухгалтерского учета.

Ключевые слова: денежные средства, денежные эквиваленты, операционная деятельность, инвестиционная деятельность, финансовая деятельность, прямой метод, косвенный метод.

**IMPROVING THE METHODS FOR PREPARING FINANCIAL STATEMENTS ON
CASH FLOWS IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS**

**Akramov Abdulla Bahodir ugli -
postgraduate student (PhD) of
the Tashkent Financial Institute**

Annotation. This article discusses the issues of improving the methods for compiling financial statements on cash flows based on international standards. In particular, a literature review on the problems of cash flow management was carried out, and the requirements of international standards were described. A three-year report on cash flows was analyzed, compiled on the example of a particular business entity, and proposals and recommendations were developed for its transformation into international accounting standards.

Key words: cash, cash equivalents, operating activities, investment activities, financial activities, direct method, indirect method.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, дебиторлик, кредиторлик ва бюджет олдиаги қарздорликларни қисқартириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар таҳлилига бағишилаб ўтказилган йиғилишда: “Узоқ йиллардан бери иқтисодиёт тармоқларида

пул оқимлари самарасиз бошқарилганлиги ва номутаносиб тақсимлангани оқибатида қарздорлик ҳолатлари кўпайиб кетганлиги”ни таъкидлади [1].

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви ва очиқлик сиёсати амалдаги молиявий ҳисобот шаклларининг ҳусусан, пул оқимлари түфрисидаги ҳисоботнинг

хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун шаффоф бўлиши, хўжалик субъектларининг молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттириши зарурлиги, ахборотларнинг ишончлиги ва оқиона бошқарув қарорлари қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши каби талаб ва қоидалар пировард натижада халқаро стандартлар асосида пул оқимлари тўғрисидаги молиявий ҳисбот тузишнинг назарий асослари, усуллари ва ташкилий жиҳатларини такомилаштиришни устувор вазифа қилиб қўяди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

АҚШлик иқтисодчи Крис Б.Мерфи пул оқимларини бошқаришнинг аҳамияти, зарурати, таркибий қисмлари ва тузиш усуллари тўғрисида шундай фикр билдиради: “Пул оқими тўғрисидаги ҳисбот (CFS – Cash flow statement) компаниянинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини кирими ва чиқимини умумлаштиради. CFS компаниянинг пул оқимини самарали бошқариш, хусусан, пул маблағларидан қанчалик унумли фойдаланаётганини кўрсатади.

Ушбу молиявий ҳисбот бухгалтерия баланси ва даромадлар тўғрисидаги ҳисботни тўлдиради. CFSнинг асосий таркибий қисмлари учта соҳадаги пул маблағлари: операцион фаолият, инвестиция фаолияти ва молиявий фаолият. Пул оқими тўғрисидаги ҳисбот иккита усулда яъни бевосита ва билвосита усулда тузилади” [2].

Иқтисодчи олим доц. Тулаев М.С. амалдаги “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисбот” шаклидаги 25 та сатрни қисқартириш ва уларни 20 тага тушириш натижасида халқаро стандартларга мослаштиришни таклиф қилган [3].

Фикримизча, таклиф этилаётган ушбу ҳисбот шакли халқаро стандартга тўлиқ мос келади ва корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда ахборот манбаи сифатида хизмат қиласди.

Иқтисодчи олим, проф. И.М. Алимардонов иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси нисбатан паст бўлганлиги сабабли юзага келган кичик бизнес субъектларининг пул оқимини барқарорлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш мақсадида, давлат томонидан кичик бизнес субъектларининг дебиторлик қарзларини тўланиши бўйича бериладиган кафолати муҳим ўрин тутади, деб таъкидлайди. Унинг фикрича, бундай кафолатнинг берилиши тижорат банкларининг, уларнинг дебитор қарзларини

дисконт ставкаси бўйича сотиб олишдан манфаатдорлигини оширади [4].

Шунингдек, пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисбот тузишнинг назарий, услубий ва ташкилий муаммолари Кевин Богл, Валерие Боиссоу, Ашлей Л. Петерс [5], Хасанов Б.А. ва бошқалар [6], Лукасевич И.Я. [7] ларнинг илмий изланишларида атрофлича тадқиқ этилган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада хўжалик субъектларида тузилаётган ва тақдим этилаётган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисботни халқаро стандартларга трансформация қилиш мақсадида тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, аниқ вазифалар белгилаб олинган. Илмий мақолада анализ, синтез, гурӯҳлаш, таққослаш ва коэффициент усуллари кўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот тузиш амалиётида қўлланилаётган “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисбот” шаклини халқаро стандартларга трансформация қилиш мақсадида аввалимбор, уни 7-сон бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот”нинг таркибий қисмлари, уларнинг тавсифи ва элементлари билан солиширишдан бошлаш зарур, деб ўйлаймиз (1-жадвал).

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисботнинг инвестиция фаолияти бўйича таснифлаш, унинг таркибий қисмлари ва элементларини баҳолаш миллый ҳисбот тизимини халқаро талабларга трансформация қилишда муҳим босқич ҳисобланади. Инвестиция фаолияти бўйича пул оқимларини бошқариш узоқ муддатли активларнинг ва пул маблағлари эквивалентларига кирмайдиган бошқа инвестицияларнинг харид қилиниши ва ҳисбдан чиқарилишини мувозанатлаштириб борилиши корхоналарнинг инвестициявий ривожланишига имкон яратади (2-жадвал).

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисботнинг молиявий фаолият бўйича таркибий қисмлари, уларнинг тавсифи ва элементлари бўйича туркумлаш муҳим аҳамият касб этади (3-жадвал). Молиявий фаолиятга халқаро стандартлар талаблари бўйича тавсиф берилса, у ташкилот киритган капитали ва қарз маблағларининг миқдори ва таркибидаги ўзгаришларга олиб келадиган фаолият, деб баҳоланади.

1-жадвал

7-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти бўйича “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот”нинг таркибий қисмлари, уларнинг тавсифи ва элементлари[8]
(Операцион фаолият бўйича)

Фаолият тури	Тавсифи	Пул оқимларининг турлари бўйича элементлари
Операцион фаолият	ташкilotning асосий даромад келтирувчи фаолияти ҳамда инвестиция ва молиявий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият турлари	(а) товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатишдан пул маблағларининг келиб тушиши; (б) роялти, хизмат ҳақлари, воситачилик ҳақлари ва бошқа тушум қўринишидаги пул маблағларининг келиб тушиши; (в) етказиб берувчиларга товарлар ва хизматлар учун пул маблағлари тўлови; (г) ходимларга ва ходимлар номидан пул маблағлари тўлови; (д) суғурта ташкilotinинг мукофотлар ва даъволар, аннуитетлар ҳамда суғурта полиси билан боғлиқ бошқа тўловлар бўйича пул маблағлари келиб тушиши ва пул маблағлари тўлови; (е) молиявий ёки инвестиция фаолиятига аниқ тегишли бўлмаган фойда солиғи бўйича пул маблағлари тўлови ёки уларнинг қайтарилиши; (ё) дилинг ёки савдо мақсадларида тузилган шартномалар бўйича пул маблағлари келиб тушиши ва пул маблағлари тўлови.

2-жадвал

7-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти бўйича “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот”нинг таркибий қисмлари, уларнинг тавсифи ва элементлари[8]
(Инвестиция фаолияти бўйича)

Фаолият тури	Тавсифи	Пул оқимларининг турлари бўйича элементлари
Инвестиция фаолияти	узоқ муддатли активларнинг ва пул маблағлари эквивалентларига кирмайдиган бошқа инвестицияларнинг харид қилиниши ва ҳисбодан чиқарилиши	(а) асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни харид қилиш учун амалга оширилган пул маблағлари тўлови. Ушбу тўловлар капиталлаштириладиган тажриба-конструкторлик сарфлари бўйича ва ташkilotning ўзида яратилган асосий воситалар бўйича тўловларни ўз ичига олади; (б) асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотишдан пул маблағлари келиб тушиши; (в) бошқа ташkilotларнинг улушли ёки қарз инструментларини ва қўшма корхоналардаги улушларни ҳарид қилиш учун амалга оширилган пул маблағлари тўлови (дилинг ва савдо учун мўлжалланган инструментлар ёки пул маблағлари эквивалентлари бўлиб ҳисобланадиган инструментлар учун қилинган тўловлар бундан мустасно); (г) бошқа ташkilotларнинг улушли ёки қарз инструментларини ва қўшма корхоналардаги улушларни сотишдан пул маблағлари келиб тушиши (дилинг ва савдо учун мўлжалланган инструментлар ёки пул маблағлари эквивалентлари бўлиб ҳисобланадиган инструментлар бўйича пул маблағларининг келиб тушиши бундан мустасно); (д) бошқа томонларга берилган аванс пул маблағлари ва қарзлар (молиявий институтлар томонидан берилган аванс пул маблағлари ва қарзлар бундан мустасно); (е) бошқа томонларга берилган аванс пул маблағлари ва қарзларнинг қайтарилишидан пул маблағлари келиб тушиши (молиявий институтларнинг аванс пул маблағлари ва қарзлари бундан мустасно); (ё) фьючерс шартномалари, форвард шартномалари, опцион шартномалари ва своп шартномалари бўйича пул маблағлари тўлови, ушбу шартномалар дилинг ёки савдо учун мўлжалланган ҳолатлар ёки тўловларни молиявий фаолият сифатида таснифланадиган ҳолатлар бундан мустасно; ва (ж) фьючерс шартномалари, форвард шартномалари, опцион шартномалари ва своп шартномалари бўйича пул маблағлари келиб тушиши, ушбу шартномалар дилинг ёки савдо учун мўлжалланган ҳолатлар ёки пул маблағлари келиб тушиши молиявий фаолият сифатида таснифланадиган ҳолатлар бундан мустасно.

7-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти бўйича “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот”нинг таркибий қисмлари, уларнинг тавсифи ва элементлари[8]
(Молиявий фаолият бўйича)

Фаолият тури	Тавсифи	Пул оқимларининг турлари бўйича элементлари
Молиявий фаолият	ташкилот киритган капитали ва қарз маблағларининг миқдори ва таркибидаги ўзгаришларга олиб келадиган фаолият	(а) акциялар ёки бошқа улуши инструментларни муомалага чиқаришдан пул маблағлари келиб тушиши; (б) ташкилот акцияларини харид қилиш ёки муомаладан чиқариш учун мулкдорларга пул маблағлари тўлови; (в) қарз мажбуриятларини чиқариш, қарзлар бериш, векселлар, облигациялар, гаров ва бошқа қисқа муддатли ёки узоқ муддатли қарз мажбуриятларини чиқаришдан пул маблағлари келиб тушиши; (г) қарзлар бўйича қайтарилган пул маблағлари тўлови; ва (д) ижарачи томонидан ижара бўйича сўндирилмаган мажбуриятни камайтириш учун амалга оширилган пул маблағлари тўлови.

Халқаро тажрибанинг гувоҳлик беришича, АҚШда умумқабул қилинган миллӣ бухгалтерия ҳисоби тамоӣиллари GAAP (Generally Accepted Accounting Principles)га мувофиқ пул оқимлари тўғрисидаги ҳисбот тузишнинг бошланғич нуқтаси соф даромад ҳисобланади. МХХС(IFRS) стандартларига мувофиқ эса, компаниялар операцион пул оқимлари тўғрисида билвосита усуlda ҳисбот тузиш учун турли хил бошланғич нуқталардан фойда-ланишлари мумкин. Масалан, операцион фойда ёки зарар, давом этаётган фаолиятдан олинган фойда ёки зарар, солиқ тўлагунга қадар фойда ёки зарар [5].

Халқаро амалиётда 7-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (IAS 7) “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот”да фойда ва зарар асосий кўрсаткич (бошланғич нуқта) сифатида белгиланган. Бироқ, мазкур стандартда амалий мисол бошқа нуқтадан

яъни солиқ тўлагунга қадар фойда ёки зарар кўрсаткичидан бошланади. Фикримизча, пул оқимлари тўғрисида ҳисбот тузиша фойда ва зарарларни асос сифатида олиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз, чунки, мисол тариқасида келтирилган кўрсаткич стандарт мақомига эга эмас ва фақатгина намойиш характеристига эга ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш зарурки, таҳдилларнинг кўрсатишича, МХХС стандартлари фоизлар, дивиденdlар ва даромад солиғини таснифлаш варианtlарини тақдим этади; АҚШнинг GAAP стандартларида бундай вариант келтирилмаган.

Пул оқимлари тўғрисида ҳисбот тузиша бошланғич нуқта сифатида операцион фойда ёки зарар олинганда МХХС стандартлари ва АҚШнинг GAAP стандартлари билан умумий ва хусусий жиҳатларини фарқланишини қиёсий таҳдил қиласиз (4-жадвал).

4-жадвал

МХХС ва АҚШнинг GAAP стандартлари бўйича операцион фойда ёки зарар асосида пул оқимлари тўғрисида ҳисбот элементларини қиёслаш [5]

	МХХС (IFRS) стандарти бўйича	АҚШнинг GAAP бўйича
Тўланган фоизлар	Операцион ёки молиялаштириш (одатда ундан молия институтлари фойдаланади)	Операцион (капиталлаштирилган фоизларни ҳисобга олмаганди)
Тўланган дивиденdlар	Операцион ёки молиялаштириш	Молиялаштириш
Олинган фоизлар ва дивиденdlар	Операцион ёки инвестиция (одатда ундан молия институтлари фойдаланади)	Операцион
Тўланган солиқлар	Умуман операцион фаолият, агар солиқларни инвестиция ёки молиялаштириш фаолияти билан бирлаштириш имкони бўлмаса	Операцион

Пул маблағлари ҳаракати бўйича ҳисбот тузиш муаммоларини тадқиқ этган олимларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳдил қилиб чиқамиз.

Проф. Б.А. Хасанов ва бошқа олимларнинг таъкидлашича: “Бевосита усул – хўжалик фаолиятидан пул маблағлари ҳаракатини ижобий ва салбий фарқланишларини аниқлашнинг касса усулида ҳисоб-китоб қилини-

шидир. Билвосита усулда пул маблағларини таҳлил этишнинг ахборот таъминоти сифатида бухгалтерия баланси, методологик асоси таҳлилнинг баланс усули ҳисобланади. Мазкур усулда пул маблағларининг кирим қисмida баланс пассиви моддаларининг ўсиши ва баланс активи моддаларининг камайиши акс эттирилади. Пул маблағлари чиқимида эса баланс актив моддаларининг кўпайиши ва пассив моддаларининг камайишини характерлайди” [6].

Бевосита усул билан пул оқимлари тўғрисидаги ҳисботот тузиш жараёнида опера-

цион фаолиятдан олинган пул оқимларини акс эттирувчи биринчи бўлим таҳлилчи учун қийинчилик туғдиради.

Бевосита усулни қўллашда ялпи пул тушумлари ва тўловларининг таркибий элементлари очиб берилади. Бевосита усулнинг қуидаги афзалликларини таъкидлаш лозим (5-жадвал):

- пул маблағлари киримининг асосий манбалари ва чиқимининг йўналишларини кўрсатиб беради;

5-жадвал

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисботни бевосита усул бўйича тузиш мақсадида операцион (асосий) фаолият элементларини таснифлаш [7] (7-сон БХҲС асосида)

№ сатр	Кўрсаткичлар
1	+ Сотишдан олинган соф тушум
2	+ Дебиторлик қарзининг камайиши; (—) кўпайиши
3	+ Олинган бўнаклар
4	= Мижозлардан олинган пул маблағлари
5	(—) Сотилган маҳсулот ва хизматларнинг таннаҳи
6	+ Товар-моддий захираларининг кўпайиши; (—) камайиши
7	+ Кредиторлик қарзининг камайиши; (—) кўпайиши
8	+ Келгуси давр харажатларининг кўпайиши; (—) камайиши
9	+ Давр харажатлари
10	+ Бошқа мажбуриятларнинг камайиши; (—) кўпайиши
11	= Мол юборувчи ва ходимларга тўловлар
12	(—) Фоизли харажатлар
13	+ Ҳисобланган фоизларнинг камайиши; (—) кўпайиши
14	+ Келгусидаги тўловлар резервининг камайиши; (—) кўпайиши
15	+ Сотишдан ташқари (Бошқа) даромадлар; (—) харажатлар
16	= Фоизли ва бошқа жорий харажатлар ва даромадлар
17	(—) Солиқлар
18	+ Солиқ тўловлари бўйича қарздорликнинг / резервларнинг камайиши; (—) кўпайиши
19	+ Солиқ тўловлари бўйича бўнакларнинг кўпайиши; (—) камайиши
20	= Тўланган солиқлар
21	Операцион фаолиятдан олинган пул оқимлари (сатр. 4 — сатр. 11 — сатр. 16 — сатр. 20)

- турли жорий мажбуриятлар бўйича тўловлар учун маблағларнинг етарлилиги тўғрисида тезкор хulosалар чиқариш имконини беради;

- хўжалик субъектининг касса режаси билан бевосита боғлиқлик (нақд пул тушумлари ва тўловлар бюджети(режаси) билан пул оқимлари тўғрисидаги қиёсланувчанлиги);

- ҳисбот даврида маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш ва пул тушумлари ўргасида ги мутаносибликни таъминлайди ва ҳ.к [7].

Халқаро стандартлар талабларига биноан хўжалик субъектининг пул оқимлари тўғрисидаги ҳисботини операцион фаолият

бўйича бевосита ёки билвосита усуллар ёрдамида тузиш тавсия қилинган. Бунда бевосита усул ёрдамида пул оқимларининг ялпи кирими ва ялпи чиқими бўйича ҳисбот тузиш таомиллари ва элементлари белгилаб берилган (6-жадвал).

Билвосита усулда фойда ёки зарарга ҳар қандай кечиктирилган ёки ҳисобланган ўтган ёки келгуси даврга тегишли операцион фаолиятдан олинган пул маблағларининг кирими ва чиқимини, шунингдек, инвестиция ҳамда молиявий фаолият билан боғлиқ пул оқимларининг даромад ёки харажат моддаларини ҳисбога олган ҳолда ҳисбот тузилади.

**Пул оқимлари түғрисидаги ҳисботни билвосита усул бўйича тузиш учун операцион
(асосий) фаолият элементларини таснифлаш [7]**
(7-сон БҲҲС асосида)

№ сатр	Кўрсаткичлар
1	Соф фойда
2	+ Амортизация
3	— Дебиторлик қарзининг кўпайиши; (+) камайиши
4	— Товар-моддий захираларининг кўпайиши; (+) камайиши
5	— Бошқа айланма активларнинг кўпайиши; (+) камайиши
6	+ Кредиторлик қарзининг кўпайиши; (—) камайиши
7	+ Тўланадиган фоизларнинг кўпайиши; (—) камайиши
8	+ Келгусидаги тўловлар резервининг кўпайиши; (—) камайиши
9	+ Солиқ тўловлари бўйича қарздорликнинг кўпайиши; (—) камайиши
10	= Операцион фаолиятдан олинган пул оқимлари

Халқро амалиётдаги тажриба ва стандартлар талаблари билан бир қаторда ҳозирги пайтда республикамиз корхоналарида тақдим этилаётган “Пул оқимлари түғрисидаги

ҳисбот” 4-шаклни бўлимлари ва элементлари кесимида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир (7, 8, 9, 10, 11-жадваллар).

**“Фарғонаазот” АЖнинг операцион фаолияти бўйича пул оқимларининг
таҳлили [9], млн.сўм**

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2019		2020		2021	
		Кирим	Чиқим	Кирим	Чиқим	Кирим	Чиқим
Операцион фаолият							
Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари	010	1 337 410,3		1 605 784,7		2 145 338,4	
Материал, товар, иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари	020		700 649,5		899 118,9		941 883,3
Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари	030		3 129,4		180 499,4		234 719,2
Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлар ва тўловлари	040	8 945,4	206 856,2	4 339,6	33 918,9	17 193,8	94 283,6
Жами операцион фаолиятнинг соф пул кирими / чиқими (сатр 010-020-030+/-040)	050	435 720,6		496 587,1		891 646,1	

Жадвал таҳлилиниң кўрсатишича, “Фарғонаазот” АЖнинг операцион фаолияти бўйича пул оқимлари 2019, 2020 ва 2021 йилларда жами операцион фаолиятнинг соф пул кирими мос равишда 435 720,6 млн.сўм; 496 587,1 млн.сўм ва 891 646,1 млн.сўмни ташкил этган. 2021 йилга нисба-

тан ўсиш суръати 204,6 % бўлган. Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари кирими билан жами операцион фаолият чиқимларини солиштирганда корхонада ижобий тўлов қобилияти мавжуд эканлигини кўрамиз.

“Фарғонааазот” АЖнинг инвестиция фаолияти бўйича пул оқимларининг таҳлили [9], минг сўм

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2019		2020		2021	
		Кирим	Чиқим	Кирим	Чиқим	Кирим	Чиқим
Инвестиция фаолияти							
Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш	060	834,9	172 376,9	3 125,0	7 042,9		77 675,6
Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш	070		91,6		11,1		92,4
Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш	080				12 000,0		
Инвестицион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	090		1 000,0		13 000,0		16 022,7
Жами инвестицион фаолиятнинг соф пул кириими /чиқими (сатр 060+/-070+/-080+/-090)	100		172 633,5		28 929,0		93 790,8

Таклифимизча, 7-жадвалда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича тузилган ҳисботга халқаро 7-сон БХХСнинг операцион фаолият бўйича қуидаги элементларини киритишни зарур деб, ҳисоблаймиз:

- роялти, хизмат ҳақлари, воситачилик ҳақлари ва бошқа тушум кўринишидаги пул маблағларининг келиб тушиши;
- суғурта ташкилотининг мукофотлар ва даъволар, аннуитетлар ҳамда суғурта полиси билан боғлиқ бошқа тўловлар бўйича пул

маблағлари келиб тушиши ва пул маблағлари тўлови;

- молиявий ёки инвестиция фаолиятига аниқ тегишли бўлмаган фойда солиғи бўйича пул маблағлари тўлови ёки уларнинг қайтарилиши;

- дилинг ёки савдо мақсадларида тузилган шартномалар бўйича пул маблағлари келиб тушиши ва пул маблағлари тўлови.

Молиявий фаолият бўйича пул оқимлари таҳлилини “Фарғонааазот” АЖ мисолида кўриб чиқамиз (9-жадвал).

“Фарғонааазот” АЖнинг молиявий фаолияти бўйича пул оқимларининг таҳлили [9], минг сўм

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2019		2020		2021	
		Кирим	Чиқим	Кирим	Чиқим	Кирим	Чиқим
Молиявий фаолият							
Олинган ва тўланган фоизлар	110		329,9	116,3	5 140,5	1 912,1	
Олинган ва тўланган дивидендлар	120	265,2	7 082,7	268,0	16 113,5	8,0	162 088,8
Акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келган пул тушумлари	130	-	-	-	-	-	-
Хусусий акциялар сотиб олингандаги пул тўловлари	140	-	-	-	-	-	-
Узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари	150	152,0	126 880,7	20 634,5	230 158,0	2 968,8	256 190,8
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари	160	-	-	-	-	-	-
Молиявий фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	170	-	-	-	-	-	-
Жами молиявий фаолиятнинг соф пул кириими / чиқими (сатр 110+/-120+/-130-140+/-150+/-160+/-170)	180		133 876,0		230 393,2		413 390,7

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, жами молиявий фаолиятнинг соф пул чиқими 2019, 2020, 2021 йилларда мос равишда 133 876,0 млн.сўм; 230 393,2 млн.сўм ва 413 390,7 млн.сўмни ташкил этган. 2021 йилда 2019 йилга нисбатан пул оқимлари чиқимининг ўсиш даражаси 3 мартадан ортиқ бўлган. Акциядорлик жамияти 2021 йилда олинган ва тўланган фоизлар бўйича 1 912,1 млн. сўм даромад олганлигини кўришимиз мум-

кин. Ҳисобот йилида узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловларининг кирими 2 968,8 млн.сўмни ташкил этган. Бироқ, жами молиявий фаолиятнинг пул оқимларини кирими барқарор бўлмаганлиги сабабли охирги уч йилликда соф пул чиқимларининг ҳажми ошган бўлиб, жамиятнинг молиявий фаолиятида пул маблағларига эҳтиёж юқори бўлган.

10-жадвал

“Фарғонаазот” АЖнинг пул оқимлари таркибида тўланган солиқлар салмоғининг таҳлили [9], млн.сўм

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2019		2020		2021	
		Кирим	Чиқим	Кирим	Чиқим	Кирим	Чиқим
Солиққа тортиш							
Тўланган даромад (фойда) солиғи	190		40 379,7		58 317,1		49 929,6
Тўланган бошқа солиқлар	200		116 287,8		171 743,5		159 081,9
Жами тўланган солиқлар (сатр 190+200)	210		156 667,5		230 060,7		209 011,5

Жадвал таҳлили натижасида “Фарғонаазот” АЖнинг пул оқимлари таркибида 2019, 2020, 2021 йилларда жами тўланган солиқлар мос равишда 156 667,5 млн.сўм; 230 060,7 млн.сўм ва 209 011,5 млн.сўм эканлигининг гувоҳи бўламиз. 2021 йилда жами тўланган солиқлар таркибида тўланган даромад (фой-

да) солиғининг салмоғи 23,9 %ни ташкил қилган. Кейинги босқичда “Фарғонаазот” АЖнинг фаолият турлари бўйича пул маблағлари билан таъминланганлик ҳолатининг таҳлилини умумий ҳолатда якунлаймиз (11-жадвал).

11-жадвал

“Фарғонаазот” АЖнинг фаолият турлари бўйича пул маблағлари билан таъминланганлик ҳолатининг таҳлили [9], млн.сўм

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2019		2020		2021	
		Кирим	Чиқим	Кирим	Чиқим	Кирим	Чиқим
Жами молиявий-хўжалик фаолиятининг соф пул кирими / чиқими (сатр 050+/-100+/-180-210)	220			27 456,5	7 204,2		175 453,1
Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган курс фарқлари сальдоси	221	3 175,2			2 931,9		375,6
Йил бошидаги пул маблағлари	230	28 105,5			3 824,2		13 960,4
Йил охиридаги пул маблағлари	240	3 824,2			13 960,4		189 789,1

Жадвал маълумотларининг гувоҳлик беришича сўнгги 3 йилда жамиятда жами молиявий-хўжалик фаолиятининг соф пул кирими 2020, 2021 йилларда мос равишда 7 204,2 млн.сўм ва 175 453,1 млн.сўмни ташкил этган. Бироқ, 2019 йилда жами пул маблағлари чиқими юқори бўлган (27 456,5 млн. сўм).

Акциядорлик жамиятининг пул маблағлари кирими ва чиқимини солиширганимиз-

да йил охирида пул маблағлари етарли бўлиб, унинг тўлов қобилияти ижобий, молиявий барқарорлиги юқори эканлигини кўрамиз.

Хуласа ва таклифлар. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида миллий иқтисодиётимизда қўлланилаётган “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” (4-шакл)ни 7-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти бўйича “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” талабларига мослаштириш мақсадида

қўйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон амалиётида қўлланилаётган “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” (4-шакл)даги “Солиқча тортиш” номли бўлимни бекор қилиш ва уни халқаро тамойилларга кўра операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятлар ўртасида тақсимлаш мақсадга мувофиқ.

2. Халқаро стандарт талаблари бўйича амалдаги пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот шаклини “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” шаклига молиявий ҳисобот тузиш тамойиллари, таркибий қисмлари ва элементлари бўйича қайта таснифлаш лозим. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳисботнинг ягона формати тасдиқланса, иқтисодиёт субъектлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар тармоқ хусусиятларини инобатга олиб ўзлари учун унификациялашган ва стандартлашган ҳолда қиёсланувчан, бир хил қийматга келтирилган ҳисоб регистрига эга бўлар эдилар.

3. Республикамиз иқтисодиётида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг халқаро ҳисоблаш усули ва касса усулининг модификацияланган шакли яъни 15% олдиндан тўлов қилиш тартиби амал қилмоқда. Шу муносабат билан, пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот тузишнинг халқаро стандартлари (7-сон IFRS)да тавсия этилган бевосита усул ёки билвосита усулни қўллаш жараёнида бошланғич нуқта сифатида операцион фойда ёки зарар, давом этаётган фаолиятдан олинган фойда ёки зарар, солик тўлагунга қадар фойда ёки зарарни олиш тавсия этилган.

АҚШнинг миллий стандарти US GAAP бўйича эса пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот тузишнинг бошланғич нуқтаси сифатида соф даромад тан олинади. Демак, мамлакатимиз амалиётида қўлланилаётган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот шаклини юқоридаги ҳисобот тузиш тамойилларига трансоформация қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёев. Ҳар бир корхонанинг барқарорлиги аниқ ҳисоб-китобга боғлиқ, раҳбарлар фаолияти шунга қараб баҳоланади. 2018 йил 17 апрель. <http://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoev-har-bir-korkhonanining-barqarorligi-aniq-hisob-kitobga-bogliq-rahbarlar-faoliyati-shunga-qarab-baholanadi>
2. Chris b. Murphy. Understanding the Cash Flow Statement. April 04, 2022. <https://www.investopedia.com/investing/what-is-a-cash-flow-statement/>
3. М.С.Тулаев. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот шаклини халқаро стандартга мувофиқлаштириш. – Т.: “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон молия-банк тизимининг ривожланиши” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. ТДИУ, 2016 йил 25 ноябр. б. 367
4. И.М.Алимардонов. Кичик бизнес субъектлари пул оқимининг барқарорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари. – Т.: “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон молия-банк тизимининг ривожланиши” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. ТДИУ, 2016 йил 25 ноябр. 684 б.
5. Kevin Bogle, Valerie Boissou, Ashley L. Peters. Statement of cash flows: IFRS® Standards vs. US GAAP. <https://advisory.kpmg.us/articles/2021/statement-of-cash-flows.html> (Мурожсаат қилинган сана: 27.07.2022)
6. В.А.Xasanov va boshq. Moliyaviy tahlil. Darslik. / – Т.: “Iqtisodiyot”, 2022. – 721 b.
7. И.Я.Лукасевич Два метода формирования отчета о движении денежных средств. <http://www.elitarium.ru/otchet-o-dvizhenii-denezhnyh-sredstv-analiz-dejatelnost-rashody-pribyl/>
8. 7-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот”. https://www.mf.uz/media/file_uz/audit/2022/msfo/Uzb_GVT_BB2022_A_IAS07.pdf
9. “Фаргонаазот” АЖнинг 2019, 2020, 2021 йилги молиявий ҳисобот маълумотлари. <https://azot.uz/oz/menu/buhgalterskij-balans-forma-1-forma-2>